



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI**

000857

**BUYRUQ**

Toshkent shahri

“ 24 ” сентябрь 20 21<sub>у.</sub>

№ 139-ИЧ

**Давлат харидларини ташкил этишда  
молиявий маблағлардан  
фойдаланишнинг оқилоналиги,  
тежамкорлиги ва самарадорлиги,  
очиқлик ва шаффофликни  
таъминлаш тўғрисида**

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан давлат харидларини ташкил этишда молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) “Давлат харидлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021) Қонуни қабул қилинганлиги, ушбу Қонун 2021 йил 24 июлдан расман кучга кирганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўмита ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ҳамда ҳудудий бошқармалар давлат харидларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг доимий фаолият кўрсатадиган харид комиссиялари таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.


4. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва ҳудудий бошқармалар давлат харидларини амалга ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган харид комиссияси таркибларини тасдиқланишини таъминласин.

5. Ахборот технологиялари бўлими (Сулайманов) Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотларни (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) очиқ маълумотлар порталида ва расмий веб-сайтларда жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилиши таъминлансин.

6. Девонхона (Икрамова) мазкур буйруқни Қўмита марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига юборилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Раис ўринбосари Ф.Карабаев зиммасига юклатилсин.

Раис



Ш. Шарахметов

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий  
аппаратининг доимий фаолият кўрсатувчи энг яхши таклифларни танлаш  
бўйича харид комиссия**

**ТАРКИБИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	Карабаев Фаррух Эсаналиевич	Раис ўринбосари – комиссия раиси;
2.	Камилов Мирзохид Зафаржонович	Савдоларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи – комиссия раиси ўринбосари;
3.	Насирова Дилфуза Хайруллаевна	Ички аудит, коррупцияга қарши комплаенс ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси бошлиғи– комиссия аъзоси;
4.	Давлатов Улуғбек Баходирович	Тартибга солинадиган нархлар ва тарифларни таҳлил ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи– комиссия аъзоси;
5.	Маматов Карим Эсиргапович	Худудларда рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи– комиссия аъзоси;
6.	Ғаффоров Абдурасул Абдужаббор ўғли	Маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи - комиссия аъзоси;
7.	Сулайманов Файзулла Хабибуллаевич	Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи – комиссия аъзоси;
8.	Амиров Низомиддин Шарафиддинович	Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси – комиссия аъзоси;
9.	Атамуратов Сардорбек Бахромович	Юридик бошқармаси бош юрисконсульти – комиссия аъзоси;

**Изоҳ.** Олинаётган товарнинг (ишининг, хизматнинг) хусусиятлари инobatга олинган ҳолда комиссия таркиби тегишлилиги бўйича ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси масъул котиби вазифаси Маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғига юклатилади;

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий  
аппаратининг доимий фаолият кўрсатувчи тендер ўтказиш бўйича харид  
комиссия**

**ТАРКИБИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	Карабаев Фаррух Эсаналиевич	Раис ўринбосари – комиссия раиси;
2.	Камилов Мирзохид Зафаржонович	Савдоларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи – комиссия раиси ўринбосари;
3.	Насирова Дилфуза Хайруллаевна	Ички аудит, коррупцияга қарши комплаенс ва хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси бошлиғи– комиссия аъзоси;
4.	Давлатов Улуғбек Баходирович	Тартибга солинадиган нархлар ва тарифларни таҳлил ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи– комиссия аъзоси;
5.	Маматов Карим Эсиргапович	Худудларда рақобатни ривожлантириш бошқармас бошлиғи– комиссия аъзоси;
6.	Ғаффоров Абдурасул Абдужаббор ўғли	Маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи –комиссия аъзоси;
7.	Сулайманов Файзулла Хабибуллаевич	Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи – комиссия аъзоси;
8.	Амиров Низомиддин Шарафиддинович	Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси – комиссия аъзоси;
9.	Атамуратов Сардорбек Бахромович	Юридик бошқармаси бош юрисконсульти– комисси аъзоси;

**Изоҳ.** Олинаётган товарнинг (ишининг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда комиссия таркиби тегишлилиги бўйича ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси масъул котиби вазифаси Маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғига юклатилади;

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юклатилган шахслар киритилади.